

УДК 378

ЗАЩИТА СТУДЕНТОВ ОТ ВЛИЯНИЯ ЧУЖДЫХ ИДЕЙ ПУТЁМ ФОРМИРОВАНИЯ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Д.К. Хатамова¹

Аннотация

В статье раскрыто значение художественной и научной литературы для защиты учащейся молодежи от влияния чуждых идей, освещены пути и методы формирования у учащихся читательской культуры.

Ключевые слова: чужие идеи, метод, художественная литература, научная литература, читательская культура.

Илм-фан, жамиятнинг ютуқлари, тараққиёти китоб билан юзага келади, китоб ёшликда энг яхши мураббий, қариганда эса ундан яхшироқ дўст йўқлиги инсоният тарихида исботланган. Китобнинг инсон ҳаёти, кишилик жамияти маънавий тараққиётидаги беқиёс ўрни қадимдан маълум. У дунёни таниш, билим бериш билан бирга гўзалликка муҳаббат уйғотиш, ундан завқланиш, ёвузликдан нафратланиш туйғусини ривожлантиради. Китоб ўқувчида дунёни англаб олишда кўмак бериш билан бир қаторда унинг илмий дунёқарашини шакллантиради, ижобий характерни таркиб топтиради, ҳаёт ва турмуш зиддиятларини қандай қилиб ечиш йўллариини ўргатади. Бу хислатларни эгаллаб олган ҳар бир талаба юксак маънавиятли шахс бўлиб камолга етади. Илмий-оммабоп, бадиий, тарихий асарларни таҳлил қилиш қобилияти ўз-ўзидан талабада ривожланиб қолмайди. Бу таълим жараёнида ўқитувчининг саъй-ҳаракатлари, турли метод ва воситалари ёрдамида амалга оширилади. Ўқитувчи ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда, илмий-оммабоп, бадиий, тарихий асарларни ўқиш, мутолаа қилишга меҳр уйғотиш ва китобхонлик савиясини ўстириш борасида бир қанча мезонларга амал қилиши лозим. Бунда ўқитувчи талабалар қандай китобларни ўқишга кизиқиши ва уларнинг фикрлаш қобилияти қай даражада эканлигини аниқлаши керак. Талаба ўз фикрини раво, эркин ифода қилиши олиш кўникмасига эга булиши ва уни шакллантириши керак.

Талабани мукамалроқ ўрганиш учун унинг қизиқишига мос асарларни ўқиб, мазмунини сўраб бориш орқали китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиш, шу ўринда кундалик тутишга ўргатиши лозим. Ўқувчиларда илмий-оммабоп, бадиий асарларни ўқишга бўлган қизиқишни ошириш орқали уларда атрофидаги воқеа-ҳодисаларга тўғри, оқилона муносабат шакллантирилади, оламни ўрганишларига қизиқишлари ортади.

Айниқса, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда китоб ўқиш ва мутолаа қилишга қизиқишни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Чунки бу ёшдаги ўқувчилар ўзларини жуда эркин, тетик сеза бошлайди, атрофидаги воқеа-ҳодисаларга қизиқиши ортиб боради. Улар кўпроқ ўзлари қизиққан машғулоти катталардан яширинча бажаришга ҳаракат қилади. Ёлғон сўзлаш, қилган айбини яшириш ва катталар олдида ўзини ақли расо қилиб кўрсатишга уринади. Кейинги йилларда юқори синф ўсмир ёшдаги мактаб ўқувчиларининг бўш вақтлари кўпроқ телевизор кўриш, компьютер, интернет маълумотлари, ҳар хил кўнгилочар томошалар билан банд бўлмоқда, мобил алоқа воситаларига бўлган қизиқишлари ошиб, турли ёт ғояларни ўзлаштиришида ўз таъсирини кўрсатмоқда. Талабалар билан китобга оид тадбирлаш ташкиллаштириш, ижодкор шоирлар, қизиқарли асар муаллифлари билан учрашувлар, ўқувчи-ёшлар ўртасида китобхонлик кечалари, турли мушоираларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Китоб билан мулоқотда булган талабаларда куйидаги сифатлар шакллантирилади:

¹Хатамова Дилдора Комиловна – студентка, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

-ёшлар онгига шарм-у ҳаё, одоб-андиша, ота-оналарга ҳурмат, катталарга иззатэҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатларни шакллантириш;

-шахснинг ривожланишида ўзаро муносабатлар ҳамкорлиги, буюк аждодларимиз меросига улкан ғурур туйғуларини сингдириш, асрлар оша бизгача етиб келган қадриятлар ва урф-одатларга беқиёс ҳурмат кўникмаларини шакллантириш;

-ўз дини ва ўзга динларга нисбатан бағрикенглик тамойилларини сингдириш;

-шахс камолоти ва маънавияти ижтимоий жамиятдаги муҳим омиллардан эканлигини англантиш;

-инсоний фазилатлар ва ғайриинсоний қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш;

-инсонларга хос самимийлик, ватанпарварлик, меҳр оқибат, имон-эътиқод, фидойилик каби фазилатларнинг жамият тараққиётидаги энг асосий омиллардан бири эканлигини англантиш;

-ёшларда мустақил, ижодий фикрлаш, ахборотларни саралаш, таҳлил этиш малакасини шакллантириш каби фазилатлар ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Матжонов С. Мақтабда адабиётдан мустақил ишлар (ўқитувчи учун методик қўлланма). – Т.: «Ўқитувчи», 1996. -208-б.

©Д.К. Хатамова, 2019